ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
**ҲОКИМИ**
**ҚАРОРИ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
**HOKIMI**
**QARORI**

«01» феврать 2016 yil — Урганч ш.

№ 19к — Нусха

**Вилоятда асаларичилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида**

2016 йилда вилоятда асаларичиликни янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ички бозорларни арзон ва сифатли асаларичилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги ЭДО-03-36-10-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 ноябрдаги 01-03-13-1-сонли ва 2016 йил 20 январдаги ЭДО-03-36-10-сонли йиғилиш баёнлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Қуйидагилар вилоятда асаларичиликни ривожлантиришнинг 2016 йилдаги **асосий устувор йўналишлари ва вазифлари** этиб белгилансин:

асаларичилик соҳасида наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш ҳисобига, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида, шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналарида асалари оилаларини кўпайтириш;

асалари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида нектарга бой ўсимликлар плантациясини кенгайтириш эвазига асалари оилалари маҳсулдорлиги ва асал ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;

янгидан асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш истагини билдирган ва асал етиштириш имкониятлари мавжуд ташаббускорларни аниқлаш ва манзилли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда асаларичилик субъектларини молиялаштириш, зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун банк кредит маблағларини ажратилишини самарали ташкил этиш;

чэтдан наслли она ари олиб келиш ва асаларичилик наслчилик хўжаликлари сонини ошириш ҳисобига асалари пакетлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳолига арзон ва сифатли асал маҳсулотлари етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш ҳамда бозорларда асаларичилик маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш;

асаларичилик соҳаси ривожланган илғор мамлакатлар тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, асал етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усуллари бўйича тавсияномалар, қўлланмалар ва видеороликлар тайёрлаш ва шу асосида мутахассислар малакасини ошириш бўйича ўқув ва амалий (кўргазмали) семинарлар ташкил этиш;

асаларичилик хўжаликлари раҳбарлари ва янгидан ташкил этиладиган лойиҳалар ташаббускорлари билан жойларга чиққан ҳолда учрашувлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш

асаларичиликни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш.

**3.** Асаларичиликни ривожлантириш, жойларда асаларичилик билан шуғулланаётган субъектларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ишларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш бўйича вилоят Ишчи гуруҳи **1–иловага;**

вилоятда 2016 йилда асаларичилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлар дастури **2-иловага;**

асаларичиликни ривожлантириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи томонидан амалга ошириладиган вазифалар ва мониторинг тизимлари **3–3а–3б–иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб боришга Хоразм ўрмон хўжалиги (Якубов), вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Қаландаров) ва "Алоқабанк" вилоят бўлими (Абдуллаев) ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари масъул этиб белгилансин.

**5.** Вилоят ишчи гуруҳи (Якубов) **бир ҳафта муддатда** туманларга чиққан ҳолда вилоятда асаларичиликни комплекс ривожлантириш бўйича ташкил қилинаётган тизим, унинг моҳияти ва ишлаш механизми бўйича маҳаллий ҳокимлик органлари, алоқадор корхона ва ташкилотлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини ўтказсинлар.

6. Туманлар ҳокимликлари **уч кун муддатда** 2016 йилда асаларичиликни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳларини тузиб, ҳар бир ҳудуд учун чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсинлар.

**8.** Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (Абдиримов), вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Рахимов) ва "Алоқабанк" вилоят бўлими (Абдуллаев) билан биргаликда асал маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳамда соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш чораларини кўрсинлар.

| Т/Р | Лойиҳа ташаббускори номи | Ташкил этиладиган асалари оилалари сони, дона | Асалари пакетини етказиб берувчи ташкилот номи | Талаб қилинадиган маблағ, млн.сўм | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Йиллик ишлаб чиқариш миқдори, тонна | Ишга тушириш муддати (ой) | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шундан ўз маблағи | шундан банк кредити | | | | |
| | **Хонқа тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Паризода асалари МЧЖ | 100 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 45 | 35 | 10 | АТ "Алоқабанк" | 0,5 | апрель | 2 |
| 2 | Хонка асал МЧЖ | 200 | | 115 | 50 | 65 | | 1 | апрель | 5 |
| 3 | Илмира Озода ф.х | 50 | | 25 | 10 | 15 | | 0,5 | апрель | 1 |
| **3** | **Жами** | **350** | х | **185** | **95** | **90** | х | **2** | х | **8** |
| | **Хива тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Хива Асали Х.И.Ч.К | 50 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 150 | 50 | 100 | АТ "Алоқабанк" | 0,8 | август | 2 |
| **1** | **Жами** | **50** | х | **150** | **50** | **100** | | **0,8** | х | **2** |
| | **Шовот тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Гилос ф.х | 100 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 80 | 40 | 40 | АТ "Алоқабанк" | 0,5 | май | 2 |
| 2 | "Малохат Назарова" ф.х | 100 | | 40 | 20 | 20 | | 0,5 | май | 2 |
| **2** | **Жами** | **200** | х | **120** | **60** | **60** | х | **1** | х | **4** |
| | **Янгиарик тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Фарохат Зухра ф.х | 100 | "Хоразм нектар" МЧЖ | 45 | 30 | 15 | АТ "Алоқабанк" | 1,5 | май | 4 |
| 2 | "Элдор" ф.х | 50 | | 25 | 25 | | | 0,8 | май | 3 |
| 3 | Исмоилова Кувонч ф.х | 100 | | 45 | 30 | 15 | | 1,5 | май | 5 |
| 4 | Мадрахимов Мунисбек ф.х | 120 | | 55 | 45 | 10 | | 1,8 | май | 5 |
| **4** | **Жами** | **370** | х | **170** | **130** | **40** | | **5,6** | | **17** |
| | **Янгибозор тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Дилшод Хофиз ф.х | 200 | "Хоразм нектар" МЧЖ | 80 | 80 | | АТ "Алоқабанк" | 4 | май | 2 |
| 2 | Содик Хўжаметов ф.х | 150 | | 60 | 60 | | | 3 | май | 2 |
| **2** | **Жами** | **350** | х | **140** | **140** | **0** | | **7** | х | **4** |
| **25** | **Вилоят бўйича жами** | **2317** | х | **1540** | **740** | **800** | Х | **39** | | **62** |

9. Хоразм ўрмон хўжалиги (Якубов) “Алоқабанк”вилоят бўлими (Абдуллаев) туманлар хокимликлари билан биргаликда жойларда янгидан асаларичилик лойиҳаларни ишга тушириш истагини билдирган ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган холда **4-илова** бўйича лойиҳаларнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиб, белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласинлар.

**10.** Вилоят Ишчи гурухи (Якубов) туманларда асаларчиликни ривожлантириш бўйича тасдиқланган Дастур ижроси бўйича **хар ой якуни билан** вилоят хокимлигига ва Республика Ишчи гурухига ахборот бериб боришни белгилаб қўйилсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят хокимининг ўринбосари Ў. Машарипов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят хокими** **П. Бобожонов**

Вилоят хокимининг
2016 йил февралдаги
**19к - сонли қарорига**
**4-илова**

**Хоразм вилоятида 2016 йилда асаларичилик хўжаликларини ташкил қилиш бўйича амалга ошириладиган**
**ЛОЙИҲАЛАР**

| Т/Р | Лойиха ташаббускори номи | Ташкил этиладиган асалари оилалари сони, дона | Асалари пакетини етказиб берувчи ташкилот номи | Талаб қилинадиган маблағ, млн.сўм | | | Хизмат кўрсатувчи банк | Йиллик ишлаб чиқариш миқдори, тонна | Ишга тушириш муддати (ой) | Яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шундан: ўз маблағи | шундан: банк кредити | | | | |
| | **Боғот тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Фуқаро Бобожонов Умиджон | 100 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 55 | 5 | 50 | АТ "Алоқабанк" | 2 | май | 2 |
| 2 | Фуқаро Абдурахимов Умиджон | 50 | | 50 | 20 | 30 | | 0,5 | май | 2 |
| 3 | Боғот асали | 20 | | 10 | 10 | | | 0,5 | май | 1 |
| **3** | **Жами** | **170** | х | **115** | **35** | **80** | х | **3** | х | **5** |
| | **Гурлан тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Жумамурот Зартош ф х | 70 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 60 | 15 | 45 | АТ "Алоқабанк" | 1,1 | апрель | 2 |
| 2 | Хушнудбек Отабек асаллари МЧЖ | 40 | | 30 | 10 | 20 | | 0,6 | апрель | 2 |
| **2** | **Жами** | **110** | | **90** | **25** | **65** | | **1,7** | | **4** |
| | **Қўшкўпир тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Оқ Булоқ ф .х | 80 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 100 | 50 | 50 | АТ "Алоқабанк" | 1,2 | май | 4 |
| 2 | Хоразм Нектар ф .х | 500 | | 400 | 100 | 300 | | 15 | май | 5 |
| **2** | **Жами** | **580** | х | **500** | **150** | **350** | х | **16,2** | х | **9** |
| | **Урганч тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Ёқуббой Худайберган ф.х | 50 | "Осиё асали агро" МЧЖ | 20 | 5 | 15 | АТ "Алоқабанк" | 0,5 | март | 4 |
| 2 | Санатбек Асалой ф.х | 30 | | 30 | 30 | | | 0,3 | март | 3 |
| 3 | Осиё Асали МЧЖ | 20 | | 10 | 10 | | | 0,3 | март | 2 |
| **3** | **Жами** | **70** | х | **30** | **15** | **15** | х | **0,8** | х | **6** |
| | **Хазарасп тумани** | | | | | | | | | |
| 1 | Фуқаро Ражабов Ғаффорберди | 40 | "Хоразм нектар" МЧЖ | 20 | 20 | | АТ "Алоқабанк" | 0,6 | май | 1 |
| 2 | Фуқаро Қурбанов Нураддин | 20 | | 5 | 5 | | | 0,3 | май | 1 |
| 3 | Фуқаро Қурбанов Багандик | 7 | | 15 | 15 | | | 0,1 | май | 1 |
| **3** | **Жами** | **67** | х | **40** | **40** | **0** | х | **1** | х | **3** |

Вилоят ҳокимининг
2016 йил 1 февралдаги
19қ- сонли қарорига
1-илова

## Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириб борувчи вилоят Ишчи гуруҳининг

## ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Қ.Якубов | Хоразм ўрмон хўжалиги директори, **Ишчи гуруҳи раҳбари** |
| 2 | Б.Қаландаров | Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, **Ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари** |
| 3 | М.Абдуллаев | “Алоқабанк” вилоят бўлими бошлиғи, **Ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари** |
| | | **Аъзолари:** |
| 4 | Ж.Рахимов | Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи |
| 5 | Э. Бобожонов | Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи |
| 6 | О. Ишчанов | Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи |
| 7 | М. Абдиримов | Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи |
| 8 | Ж. Сапаев | Вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи |
| 9 | Р.Юнусметов | Вилоят ИИБ ЙҲҲБ бошлиғи |
| 10 | Қ.Сапаев | Вилоят Фермерлар кенгаши раиси |
| 11 | Ҳ.Собиров | Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази |

Вилоятҳокимининг
2016 йил 1 февралдаги
19қ-сонлиқарорига
36–илова

## Асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни мониторинг тизими



Вилоятҳокимининг
2016 йил 1 февралдаги
19қ-сонлиқарорига
3а–илова

## Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш масалаларини мувофиқлаштириш тизими




Вилоят ҳокимининг
2016 йил 1 февралдаги
19қ- сонли қарорига
2-илова

## Вилоятда 2016 йилда асаларичилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлар ДАСТУРИ

| № | Тадбирлар номи | Ижро этиш муддати | Молиялаш-тириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича 2016 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар** | | | | |
| 1.1 | Жорий йилда белгиланган чора–тадбирларни амалга ошириш ҳисобига:<br>**790 та янги асаларичилик субъектларини** ташкил этиш ва уларнинг жами сонини 866 та (110%)га етказиш **(1-илова);**<br>6 минг 628 та янгидан асалари оилаларини шакллантириш ва уларни сонини **44 минг 109 тага (118%)га етказиш (2-3 иловалар);**<br>асал ишлаб чиқариш ҳажмини **960 тонна (2015 йилга нисбатан 128 %)га етказиш (4 илова).** | йил давомида | ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Алоқабанк" вилоят бўлими, Туманлар ҳокимликлари |
| 1.2 | 2016 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар:<br>асаларичилик соҳасида наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш ҳисобига барча тоифа хўжаликларида асалари оилалари ва асал ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш;<br>нектарга бой ўсимликлар плантациясини кенгайтириш эвазига асалари озуқа базасини мустаҳкамлаш ва асалари оилалари маҳсулдорлигини ошириш;<br>асал етиштириш имкониятлари мавжуд ташаббускорларни аниқлаш, янгидан асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш, улар билан жойларга чиққан ҳолда учрашувлар ўтказиш ва манзилли лойиҳаларни амалга ошириш;<br>асаларичилик субъектларини молиялаштириш, зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун банк кредит маблағларини ажратилишини самарали ташкил этиш; | йил давомида | - | Хоразм ўрмон хўжалиги, Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Алоқабанк" вилоят бўлими Туманлар ҳокимликлари |

| № | Тадбирлар номи | Ижро этиш муддати | Молиялаш-тириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | аҳоли истеъмоли учун арзон ва сифатли асал маҳсулотлари етказиб бериш узлуксизлигини ҳамда бозорларда асаларичилик маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш;<br>асал етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усуллари бўйича тавсияномалар, қўлланмалар ва видеороликлар тайёрлаш ва шу асосида мутахассислар малакасини ошириш бўйича ўқув ва амалий–семинарлар ташкил этиш;<br>асаларичиликни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш. | | | |
| 1.3 | Асаларичилик наслчилик хўжаликлари асалари зотларини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида **480 дона** наслли она ариларни четдан келтириш ва **13,0 минг дона** асалари пакетлари ишлаб чиқари **(5-илова).** | 2016 йил июль | банк кредити ҳисобидан 12,0 минг. АҚШ доллари | Хоразм ўрмон хўжалиги, “Алоқабанк” вилоят бўлими, “Xorazm Honey” МЧЖ, Туманлар ҳокимликлари |
| **II. Асаларичиликни ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар** | | | | |
| 2.1 | Асаларичиликни ривожлантириш масаласида туманларда ишчи гуруҳларини ташкил этиш ва чора–тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб тасдиқлаш. | 10 кун муддатда | - | Хоразм ўрмон хўжалиги, “Алоқабанк” вилоят бўлими, Туманлар ҳокимликлари |
| 2.2 | 2016 йилда янги ташкил этиладиган ҳамда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган асаларичилик хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларини “Алоқабанк”нинг вилоят бўлимида очишни ташкил этиш. | 2016 йил давомида | - | “Алоқабанк” вилоят бўлими, Хоразм ўрмон хўжалиги, Туманлар ҳокимликлари |
| 2.3 | Асаларичилик фермер хўжаликларида асалариларни озиқлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ҳар бир тумандаги 5 тадан фермер хўжаликларида “Фацелия” ўсимлигини экишни йўлга қўйиш. | 2016 йил март-апрель ойлари | ўз маблағлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Туманлар ҳокимликлари |
| 2.4 | Маҳаллий асаларилар генофондини такомиллаштириш, кўпайтириш, танлаш ҳамда селекция ишларини амалга ошириш мақсадида вилоят ўрмон хўжалиги базасида 1 та асаларичилик наслчилик хўжаликларини ташкил этиш. | 2016 йил 1 октябрь | ўз маблағлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, “Алоқабанк” вилоят бўлими |

33. Тузилган шартномаларга кўра наслли она ариларни чет давлатдан келтиришни ташкил этиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар ойнинг 30 санасига** Республика Ишчи гуруҳига маълумотлар киритиб боради.

## VII. Ушбу тизимда мониторингни амалга ошириш тартиби

34. Туманларда ташкил этилган туман Ишчи гуруҳлари ва Хоразм ўрмон хўжалиги, вилоят давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, “Алоқабанк” вилоят бўлимининг бошлиғи ва масъул ходимларидан иборат ташкил этилган вилоят Ишчи гуруҳи томонидан асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг мониторинги амалга оширилади.

35. Асаларичиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлангандан сўнг 15 кун муддатда мониторинг макет–жадваллари ишлаб чиқилади ва жойларга етказилади.

**Бунда,** ҳар ойнинг 25 санасига қадар **туман Ишчи гуруҳларига** қуйидаги тартибда:

барча тоифадаги асаларичилик субъектларида амалга оширилган ишлар ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича белгиланган барча чора–тадбирларни амалга оширилиши билан боғлиқ барча тадбирлар тўғрисида –Хоразм ўрмон хўжалиги ва тумандаги табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси;

асаларичилик маҳсулотлари етиштириш бўйича янги лойиҳаларни ишга туширилиши юзасидан–туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими;

асаларичилик наслчилик хўжаликларида наслли она ариларни кўпайтириш ва асаларичилик хўжаликларига асалари пакетларини етказиб бериш бўйича белгиланган барча чора–тадбирларни амалга оширилиши юзасидан – Хоразм ўрмон хўжалиги ва тумандаги табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси;

дастурларда белгиланган тадбирлар учун кредитларни ажратилиши ва юклатилган бошқа вазифалар бўйича – “Алоқабанк” вилоят бўлимининг туманга бириктирилган вакили маълумотлар киритиб боради.

36. Туман ишчи гуруҳлари мониторинг бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилади ва умумлаштириб **ҳар ойнинг 30 санасига қадар** вилоят Ишчи гуруҳига киритиб боради.

37. вилоят Ишчи гуруҳи туманлардан олинган мониторинг маълумотларини таҳлил қилади ва умумлаштириб **ҳар ойнинг 3 санасига қадар** вилоят ҳокимлиги ва Республика ишчи гуруҳига маълумотларни тақдим этади.

| № | Тадбирлар номи | Ижро этиш муддати | Молиялаш-тириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 2.11 | 2016-2017 йиллар қишлов мавсумида асалари оилалари озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда қишловдан беталофат олиб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2016 йил ноябрь | ўз маблағлари | Хоразм ўрмон хўжалиги, «Алоқабанк» вилоят бўлими, Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, туманлар ҳокимликлари |
| 2.12 | Вилоят ҳудудида мавжуд нектарбоп ўсимликларнинг захирасидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда асалари оилалари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ўсимлик турлари жойлаштирилган янги хариталарини тайёрлаш. | 2016 йил давомида | ўз маблағлари ҳисобидан | Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, “Алоқабанк” вилоят бўлими, Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси |
| 2.13 | Янгидан ташкил этиладиган асаларичилик субъектларини “Асаларичилик субъекти паспорти” билан таъминлаш, паспортлаштириш, рўйхатга олиш ва статистик ҳисоботларни юритиш тизимини такомиллаштириш. | 2016 йил давомида | ўз маблағлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, Вилоят статистика бошқармаси, Вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси, туманлар ҳокимликлари |
| 2.14 | Барча турдаги асаларичилик субъектларида ҳар хил касалликлар ва асалари зараркунандаларига қарши курашиш мақсадида зооветеринария пунктлари томонидан шартнома асосида сервис хизматлари кўрсатишни яхшилаш. | 2016 йил давомида | ўз маблағлари ҳисобидан | Вилоят давлат ветеринария бошқармаси, Хоразм ўрмон хўжалиги, туманлар ҳокимликлари |
| | **III. Илмий – амалий тадбирлар** | | | |
| 3.1 | Асаларичилик билан шуғулланувчи барча тоифадаги хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини малакасини ошириш мақсадида вилоят ўрмон хўжалигида илмий–амалий ўқув семинарини ўтказиш. | май ойида | ўз маблағлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, «Алоқабанк» вилоят бўлими, туманлар ҳокимликлари |
| 3.2 | Ўрта махсус, касб–ҳунар коллежларида асаларичилик йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчиларни асаларичилик хўжаликларига бириктириш орқали амалиёт ўтказишни ташкил этиш. | йил давомида | ўз маблағлари ҳисобидан | Хоразм ўрмон хўжалиги, вилоят ўрта-махсус, касбҳунар таълими бошқармаси, «Алоқабанк» вилоят бўлими, туманлар ҳокимликлари |
| 3.3 | Маҳаллий асалари генофондини соф ҳолда кўпайтириш бўйича чуқур селекция-наслчилик ишлари амалга ошириш ва зот стандарти талабларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2016 йил давомида | ўз маблағлари ҳисобидан | Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлими, Хоразм ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 3.4 | Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кимёвий препаратларни қўллашда белгиланган хавфсизлик чораларига риоя қилиш бўйича вилоят ўсимликларни химоя қилиш агрокимё маркази томонидан тавсияномалар ишлаб чиқиш ва ҳар бир асаларичилик субъектларига етказиб бериш. | 2016 йил март | ўз маблағлари ҳисобидан | Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, Хоразм ўрмон хўжалиги, туманлар ҳокимликлари |

7. Вилоят Ишчи гуруҳи билан биргаликда янгидан ташкил этиладиган асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш истагини билдирган ва асал етиштириш имкониятлари мавжуд ташаббускорларни тезкор аниқлаш бўйича маҳаллий телевединия, радио ва матбуотларда танлов эълон қилади.

8. Вилоятдаги ҳар бир асаларичилик хўжалиги билан учрашувлар ўтказади, асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича банк хизмати тизимида вужудга келган муаммоларни тезкор ҳал этади ва янгидан ташкил этиладиган лойиҳаларни қатъий назорат қилиб боради.

9. Вилоятдаги асаларичилик наслчилик хўжаликлари ва жиҳоз ишлаб чиқарадиган корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича “Алоқабанк”нинг вилоят бўлими масъул қилиб бириктирилади.

10. Банкнинг масъул ходими асаларичилик хўжаликларига кредит хужжатларини тайёрлаш ва белгиланган муддатларда кредитлар ажратиш ҳамда хўжаликни ривожлантириш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширишда иккинчи масъул (дублёр) сифатида иштирок этади ва амалий ёрдам кўрсатади.

11. “Алоқабанк” вилоят бўлими асаларичиликни ривожлантириш бўйича юклатилган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ойнинг 25 санасига** вилоят ҳокимлигига маълумотлар киритиб боради.

## III. Хоразм ўрмон хўжалиги томонидан амалга ошириладиганишлар тартиби

12. Туманлар Ишчи гуруҳлари билан биргаликда асаларичилик хўжаликларини алоҳида ўрганиб чиқиб хатловдан ўтказади, маълумотлар базасини шакллантиради, хўжалик паспортларини тайёрлайди ва рўйхатини олиб боради.

13. Асалари оилаларини табиий озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида қурғоқчилликка чидамли, нектарга бой дарахт ва бўта ўсимликлари кўчатларини йўл бўйлари, истироҳат боғлари ва ўрмон фонди ер майдонларида экишни ташкил этади.

14. Асалари оилаларини ўсимликлар гуллаш даврига қараб, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчириш ҳамда ўрмон фонди ерларига жойлаштириш ишларини ташкил этади.

15. Туманлар Ишчи гуруҳлари билан биргаликда асаларичилик субъектларидаги асалари оилаларини пахтачилик, боғдорчилик, сабзавот-полизчилик фермер хўжаликларига бириктиради.

16. Вилоят ҳудудларидаги мавжуд нектарбоп ўсимлик турлари жойлаштирилган янги хариталарини тайёрлайди.

17. Хоразм ўрмон хўжалиги асаларичиликни ривожлантириш бўйича юклатилган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ойнинг 25 санасига** вилоят ҳокимлигига маълумотлар киритиб боради.

## IV. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга ошириладиган ишлар тартиби

18. Вилоят табаитни муҳофаза қилиш қўмитаси туманлар Ишчи гуруҳлар билан биргаликда асаларичилик субъектлари ва улардаги асалари оилаларини хатловдан ўтказади, асалари оилаларини жойлаштириш ҳудудларини аниқлайди ва ҳар бир асаларичилик субъектлари кесимида маълумотлар базасини шакллантиради, хўжалик паспорти ва фотоальбомларни тайёрлайди.

19. Асаларичилик субъектлари жиҳозлар, дори дармонлар билан таъминланишини доимий ўрганади ҳамда моддий–техника базаси ва инфраструктурасини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб вилоят ҳокимлигига киритади.

20. Мавжуд табиий биозаҳиралардан оқилона фойдаланиш ва асал ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин ошириш бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди ва амалга ошириш чораларини кўради.

21. Илмий муассасалар, марказлар ва тажриба станциялари билан биргаликда асалари маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва интенсев

Вилоят ҳокимининг
2016 йил 1 февралдаги
19қ- сонли қарорига
3-илова

**Асаларичилик соҳасини ривожлантириш юзасидан амалгаошириладиган ишлар тизими**

Мазкур тизимда белгиланган вазифалар асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тартибини белгилайди.

**I. Вилоят Ишчи гуруҳитомонидан амалга ошириладиган ишлар тартиби**

1. Асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларни вилоят микёсида мувофиқлаштириб бориш мақсадида Хоразм ўрмон хўжалиги, “Алоқабанк” вилоят бўлими, вилоят давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси,соҳага алоқадор бошқа ташкилотларнинг раҳбарларихамда масъул ходимларидан иборат**вилоятИшчи гуруҳи** ташкил этилади.

2. Ишчи гуруҳивилоятасаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигигакиритади.

3. Вилоятда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирлар дастурида:

асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин ошириш;

янгидан ташкил этиладиган асаларичилик хўжаликлари бўйича манзилли лойиҳаларни амалга ошириш;

асаларичиликнаслчилик хўжаликларида асалари пакетларини етиштиришни ташкил этиш;

асаларичиликнаслчилик хўжаликларига кўпайтириш ва асаларичилик субъектларига етказиб бериш мақсадида хориждан наслли она ариларни келтиришни ташкил этиш;

янгидан ташкил этиладиган асаларичилик субъектларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

асаларичилик хўжаликларига тижорат банкларитомонидан кредит маблағларини ажратиш;

асаларичилик соҳаси ривожланган илғор мамлакатлар тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш,асал етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усуллари бўйичатавсияномалар, қўлланмалар ва видеороликлар тайёрлаш ва шу асосида қисқа муддатли ўқишлар ва семинарлар ташкил этиш;

асаларичилик хўжаликлари раҳбарлари ва янгидан ташкил этиладиган лойиҳалар ташаббускорлари билан жойларга чиққан ҳолда учрашувлар ўтказиш, мавжуд муаммоларини ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш ва доимий мониторингни ташкил этиш масалалари асосий вазифалар сифатида белгилаб олинади.

4. Худди шундай ишчи гуруҳлари туманлар ҳокимликлари томонидан ташкил этилиб, улар томонидан бажариладиган вазифалар белгилаб берилади.

**II. АТ “Алоқабанк” томонидан амалга ошириладиган ишлар тартиби**

5. “Алоқабанк” вилоят бўлимиасаларичилик соҳасини ривожлантириш, жумладан янги лойиҳаларни амалга ошириш, асаларичилик субъектларини асаларичилик жиҳозлари ва асалари пакетларини сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратилишини таъминлайди.

6. Вилоятдаги барча асаларичиликсубъектларини ҳисоб-рақамларини “Алоқабанк” вилоят бўлими ва унинг филиалларига ўтказилишини таъминлайди.

**Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига**
**1-илова**

**2016 йилда вилоятда барча тоифадаги асаларичилик субектларини ташкил этиш кўрсаткичлари**

*(бирликда)*

| № | Туманлар номи | 2015 йилда мавжуд | 2016 йилда янгидан ташкил этилади | шундан: деҳқон хўжаликлари 2015 йилда мавжуд | деҳқон хўжаликлари 2016 йилда | фермер хўжаликлари 2015 йилда мавжуд | фермер хўжаликлари 2016 йилда | 2016 йил якунида жами хўжаликлар сони | 2016 йил 2015 йилга нисбатан (%) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Боғот | 81 | 9 | 79 | 4 | 2 | 5 | 90 | 111 |
| 2 | Гурлан | 91 | 7 | 90 | 3 | 1 | 4 | 98 | 108 |
| 3 | Қўшкўпир | 60 | 7 | 58 | 3 | 2 | 4 | 67 | 112 |
| 4 | Урганч | 129 | 9 | 127 | 4 | 2 | 5 | 138 | 107 |
| 5 | Хазарасп | 56 | 7 | 55 | 3 | 1 | 4 | 63 | 113 |
| 6 | Хонка | 134 | 10 | 133 | 5 | 1 | 5 | 144 | 107 |
| 7 | Хива | 87 | 6 | 86 | 4 | 1 | 2 | 93 | 107 |
| 8 | Шовот | 32 | 6 | 31 | 3 | 1 | 3 | 38 | 119 |
| 9 | Янгиарик | 64 | 8 | 56 | 4 | 8 | 4 | 72 | 113 |
| 10 | Янгибозор | 56 | 7 | 55 | 5 | 1 | 2 | 63 | 113 |
| | Жами: | 790 | 76 | 770 | 38 | 20 | 38 | 866 | 110 |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
2-илова

**2016 йилда барча тоифадаги асаларичилик субъектларида асалари оилаларини кўпайтириш кўрсаткичлари**

*(бирликда)*

| № | Туманлар номи | 2015 йилда мавжуд | 2016 йилда янгидан ташкил этилади | шундан: дехқон хўжаликларида: 2015 йилда мавжуд | шундан: дехқон хўжаликларида: 2016 йилда | шундан: фермер хўжаликларида: 2015 йилда мавжуд | шундан: фермер хўжаликларида: 2016 йилда | 2016 йил якунида жами асалари оилалари сони | 2016 йил 2015 йилга нисбатан (%) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Боғот | 4 061 | 615 | 2896 | 175 | 1165 | 440 | 4 676 | 115 |
| 2 | Гурлан | 4 229 | 520 | 3299 | 200 | 930 | 320 | 4 749 | 112 |
| 3 | Кўшкўпир | 2 156 | 580 | 1601 | 100 | 555 | 480 | 2 736 | 127 |
| 4 | Урганч | 7 673 | 1058 | 6293 | 364 | 1380 | 694 | 8 731 | 114 |
| 5 | Хазарасп | 3 108 | 410 | 2768 | 170 | 340 | 240 | 3 518 | 113 |
| 6 | Хонка | 4 282 | 835 | 3033 | 185 | 1249 | 650 | 5 117 | 120 |
| 7 | Хива | 3 390 | 570 | 2790 | 170 | 600 | 400 | 3 960 | 117 |
| 8 | Шовот | 3 457 | 630 | 2098 | 130 | 1359 | 500 | 4 087 | 118 |
| 9 | Янгиарик | 2 722 | 780 | 2250 | 140 | 472 | 640 | 3 502 | 129 |
| 10 | Янгибозор | 2 403 | 630 | 2143 | 130 | 260 | 500 | 3 033 | 126 |
| **Жами:** | | **37 481** | **6628** | **29171** | **1764** | **8310** | **4864** | **44109** | **118** |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
7-илова

**2016 йилда асал маҳсулотларини сотиш дўконлари, жиҳоз ишлаб чиқарадиган ва асал маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш мини цехларини ташкил этиш параметрлари**

*(млн. сўм)*

| Худудлар номи | Асалари жиҳоз ва махсулот сотадиган дуконлар | | | | | Жиҳоз ишлаб чикарадиган цехларни ташкил этиш | | | | | Асал махсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш мини цехларини ташкил этиш | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сони (дона) | Ҳудуди | Талаб этила-диган маблағ | *шундан:* кредит маблағи | *шундан:* ўз маблағи | Сони (дона) | Ҳудуди | Талаб этила-диган маблағ | *шундан:* кредит маблағи | *шундан:* ўз маблағи | Сони (дона) | Ҳудуди | Талаб этила-диган маблағ | *шундан:* кредит маблағи | *шундан:* ўз маблағи |
| Гурлан | 1 | Туман марказ | 50 | 25 | 25 | | | | | | | | | | |
| Хонқа | | | | | | | | | | | 1 | Туман марказ | 50 | 50 | |
| Хазорасп | 1 | Туман марказ | 50 | 25 | 25 | | | | | | | | | | |
| **Жами** | **2** | **0** | **100** | **50** | **50** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **1** | **0** | **50** | **50** | **0** |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
6-илова

**2016 йилда асалари павильонлари ва асалари пакетларини сотиб олиш учун талаб этиладиган кредит маблағлари**

*(млн. сўмда)*

| Туманлар номи | Асалари павильони | | | | Асалари пакети | | | | Жами асалари павильони ва асалари пакетларга | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 йилда сотиб олинади (дона) | Талаб этиладиган маблағ | шундан: | | 2016 йилда сотиб олинади (дона) | Талаб этиладиган маблағ | шундан: | | Талаб этиладиган маблағ | шундан: | |
| | | | кредит маблағи | ўз маблағи | | | кредит маблағи | ўз маблағи | | кредит маблағи | ўз маблағи |
| Боғот | | | | | 615 | 55 | 20 | 35 | 55 | 20 | 35 |
| Гурлан | | | | | 520 | 40 | 15 | 25 | 40 | 15 | 25 |
| Қўшкўпир | | | | | 580 | 170 | 50 | 120 | 170 | 50 | 120 |
| Урганч | 1 | 20 | 8 | 12 | 1 058 | 66 | 18 | 48 | 86 | 26 | 60 |
| Хазарасп | 1 | 20 | 8 | 12 | 410 | 65 | 25 | 40 | 85 | 33 | 52 |
| Хонка | 1 | 20 | 8 | 12 | 835 | 150 | 40 | 110 | 170 | 48 | 122 |
| Хива | 1 | 20 | 8 | 12 | 570 | 114 | 24 | 90 | 134 | 32 | 102 |
| Шовот | | | | | 630 | 100 | 40 | 60 | 100 | 40 | 60 |
| Янгиарик | | | | | 780 | 107 | 27 | 80 | 107 | 27 | 80 |
| Янгибозор | | | | | 630 | 88 | 18 | 70 | 88 | 18 | 70 |
| **Жами** | **4** | **80** | **32** | **48** | **6 628** | **955** | **277** | **678** | **1 035** | **309** | **726** |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
3-илова

**2016 йилда мавжуд ва янгидан ташкил этиладиган асаларичилик субъектларига талаб этиладиган асалари уялари (қутиси) билан таъминлаш**

| Худудлар номи | 2016 йилда асалари уяси (қути)га талаб (дона) | Ишлаб чиқариш цехлари қуввати, дона | Талаб этиладиган маблағ (асалари оиласини шакллантириш учун), млн. сўм | Шундан | | Таъминлаб берувчи корхоналар номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ўз маблағи ҳисобидан | "Алоқабанк" кредити ҳисобидан | |
| Боғот | 615 | | 115 | 35 | 80 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Гурлан | 520 | | 90 | 25 | 65 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Қўшкўпир | 580 | | 500 | 150 | 350 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Урганч | 1 058 | | 30 | 15 | 15 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Хазарасп | 410 | | 65 | 40 | 25 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Хонка | 835 | | 185 | 95 | 90 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Хива | 570 | | 150 | 50 | 100 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Шовот | 630 | | 120 | 60 | 60 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Янгиарик | 780 | | 170 | 130 | 40 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| Янгибозор | 630 | | 164 | 140 | 24 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| "Xorazm honey" МЧЖ | | 7 500 | 508 | 508 | | "Xorazm honey" МЧЖ |
| **Жами** | **6 628** | **7 500** | **2 097** | **1 248** | **849** | **х** |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
4-илова

## 2016 йилда барча тоифадаги хўжаликларда асал ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

*(тонна)*

| № | Туманлар номи | 2015 йилда ишлаб чиқарилган | 2016 йил якунида жами асал ишлаб чиқариш | шундан: Деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида | | Кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликларида | | 2016 йил 2015 йилга нисбатан (%) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2015 йилда | 2016 йилда | 2015 йилда | 2016 йилда | |
| 1 | Боғот | 99 | 131 | 70 | 76 | 29 | 56 | 133 |
| 2 | Гурлан | 115 | 145 | 91 | 98 | 24 | 46 | 126 |
| 3 | Қўшкўпир | 52 | 72 | 34 | 37 | 18 | 35 | 138 |
| 4 | Урганч | 127 | 158 | 100 | 108 | 27 | 49 | 124 |
| 5 | Хазарасп | 39 | 53 | 25 | 27 | 14 | 25 | 135 |
| 6 | Хонка | 74 | 93 | 54 | 58 | 20 | 35 | 126 |
| 7 | Хива | 69 | 85 | 55 | 60 | 14 | 25 | 123 |
| 8 | Шовот | 68 | 91 | 46 | 50 | 22 | 41 | 134 |
| 9 | Янгиарик | 61 | 78 | 44 | 48 | 17 | 30 | 128 |
| 10 | Янгибозор | 47 | 54 | 43 | 47 | 4 | 8 | 116 |
| **Жами:** | | **751** | **960** | **562** | **608** | **189** | **352** | **128** |

Асаларичиликни ривожлантириш Дастурига
5-илова

## 2016 йилда хориждан она асаларилар (ёки личинкалар)ни олиб келиш параметрлари

| Туман номи | Она асаларилар (ёки личинкалар) турлари | Хорижий давлат номи | Хориждан келтириладиган она асаларилар (ёки личинкалар) миқдори, бирлик | Хориждан келтириладиган она асаларилар (ёки личинкалар) қиймати, минг АҚШ доллари | Хориждан келтириладиган муддат (йил, ой, сана) | Жами асалари пакетлари етиштириш, минг дона | Хориждан келтиришга масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Урганч | Карпат зоти (Apis mellifera carpatica) | Украина | 480 | 12,0 | 2016 йил июль ойи | 13,0 | "Xorazm honey" МЧЖ |
| **Жами** | | | **480** | **12,0** | **x** | **13,0** | **x** |